INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC RESEARCHERS
Volume 1,issue 1,2023

Асрий синовлардан ўтган қадрият Миллий либосларимиз ҳақида

Юлдуз Ғайбуллаева
тадқиқотчи – изланувчи

Аннотация: Истиқлол туфайли барча ижтимоий-гуманитар фанлар қатори элшунослик – этнография фанида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Миллий қадриятларнинг тикланиши бу фан олдида янги уфқлар очмоқда. Аввалари унутилган, қатағонга ҳам учраган ҳамда эътибордан четда қолган ихтисослар ҳам дунёга кўз очмоқда. Ўзбек халқининг миллий кийим-кечакларини ўрганиш, ундаги миллий ўзига хослик, асрлардан асрларга ўтиб келаётган кўҳна анъаналарни ўрганиш шулар жумласидандир.
Калит сузлар: кадрият, истиклол, совет.

Узоқ вақтлар давомида, хусусан мустабид совет тузими даврида (1917-1991) фанда ҳукмрон коммунистик мафкура миллийликнинг ҳар қандай кўринишларига тўсқинлик қилиб келгани учун элшуносликда бу масала етарлича ва холис ёритилмаган. Чунки шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият миллийликнинг ҳар қандай кўринишини рад этиб келган.

Ўзбек миллий либосларини тадқиқ этиш ва кенг маънода тарғиб қилиш социалистик турмуш тарзини ташвиқ қилувчи коммунистик мафкура илдизига болта уриш экани ўз-ўзидан маълум эди. Шунинг учун ҳам тадқиқотчилар бу масалада ғоят эҳтиёткор позицияда туриб иш кўришга мажбур бўлганлар. Қандай қилиб бўлса ҳам тадқиқотчиларига байналминал тус беришга интилишган. Ўша даврда кишилик тарихида янги уюшма – Совет кишиси пайдо бўлгани тинимсиз тарғиб қилинмоқда эди.

Аммо булардан қатъий назар ўзбек либосларини ўрганиш ва уларга қизиқиш сира сўнмаган. Чунки унинг илдизлари олис мозийга бориб тақалган эди. Археологик қазишмалар ва тадқиқотлар олим замонлардаги кийим-кечаклар хусусида илк тасаввур беради. Деворлардаги тасвирий суратлар, тош битиклар, ҳайкалчалар ва бошқа осори-атиқалар қадим аждодларимиз либослари ҳақида ўйлашга, фикрлашга ва тасаввурга имкон беради. Эрамиздан аввалги V асрга оид тарихий ёдгорлик – Бехистун битиги шулар жумласидандир. Унда Аҳмонийлар сулоласи вакили – Эрон шоҳи Доро I фармони билан тошга ўйиб ёзилган ғалабалар мадҳида саклар йўлбошчиси Скунха тасвири мавжуд. Ўша даврда тик учли қалпоқлар кийган сакларни – Сак – тиграхауда деб аташган. Эрамиздан аввалги II асрда Хитой элчиси Чжан-Цзяннинг императорга ёзган ҳисоботида ҳам Турон аҳли турмуши тасвирланиб, уларнинг либослари ҳақида ҳам гап боради. Элчи 10 йил давомидаги кузатишлари асосида битган ҳисобот ноёб маълумотларга бойдир. Эрамизнинг I асрида Римда бўлган Кушон элчилари тасвири машҳур Траян колоннасида акс эттирилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, VI- VIII асрларга мансуб деворий суратлар ўша даврда ташқи кўриниши қандай бўлганлиги тўғрисида тасаввур беribгина қолмай, бичим андозасини тасаввур этиш имконияни берди, аҳолининг турли маҳаллий ва этник гуруҳлари кийимларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр ҳосил қилиш учун ҳам асос бўлади. Устбошларнинг ҳамма кўринишлари енгсиз, узун, баъзан енги кенг қилиб бичилган кийимларнинг ён томонида одатда йирмоч – қийиқ жойи, енлама ёқаси бўлганки, бу ҳол Ўзбекистон халқларининг ҳозирги либосларида ҳам **илдизи чуқур тарихий анъанага бориб тақаладиган хусусиятларни** кузатишга имкон беради.

Буюк ипак йўли равнақ топган асрларда Кушон, Парфия, Рим ва Хитой халқларининг

ўзаро иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларини кучайиши кийим-кечаклардаги ўзгаришларга таъсир этгани ўз-ўзидан маълум. Бу ҳолни XV-XVI асрларда яратилган миниатюра асарларида кузатиш мумкин. Уларда кўп жиҳатдан жамиятнинг барча табақаларига мансуб либослар акс этган бўлиб, унсурлари туркий кийим-кечакларнинг айрим хусусиятлари ҳамда иккинчи томондан Эрон-Мессопотамия ва мўғул кийимларига хос унсурларни кўриш мумкин. Булар ҳаммаси мазкур минтақаларда яшаган эл-элатларнинг ўзаро маданий алоқалари жуда узоқ давом этиб келганлигидан далолат беради, мазкур омиллар ўрта асрлардаги кийим-кечакларнинг шаклланишида ўз ифодасини топган. Бу ўринда Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқда 27 мамлакатни ягона давлатга, ягона маданият маконига айлантирган Амир Темур салтанати алоҳида роль ўйнаган. Ўзбек миллий либослари асрлар давомида ўзгариб такомиллашиб борди. Ўлкада рўй берган катта-кичик сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий воқеалар улар қиёфасига ўзгартиришлар киритмай қолмади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан сўнг бошланган Россия истилоси натижасида барпо этилган Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган, Ўзбекистонда юритила бошланган мустамлакачилик сиёсати халқ турмушининг барча соҳаларида ўзгаришлар ясади. Изчил олиб борилган руслаштириш сиёсати миллий кийим-кечаклар ишлаб чиқариш, шакли ва мазмунига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Туркистон бозорини эгаллаган Россия моллари ўлкада кенг тарқалиб маҳаллий ҳунармандчиликни касодга учрата бошлади. Россиядан келаётган матолар арзонлиги ва рақобатбардошлиги билан маҳаллий ҳунармандчиликни четга чиқара бошлади. Бу жараён шаҳарларда авж олабошлади. Рус кийим-кечаклари кенг тарқалди. Ўлкага рус маданиятининг кириб бориши ва Россия ҳукмдор доираларининг маориф, маданият соҳасидаги тадбирлари ўлка турмушида аста-секин ўз таъсирини ўтказа бошлади. Бу таъсир энг аввало ёшлар турмушида ўз аксини топа бошлади.

Рус-тузем мактаблари ва гимназияларда махсус кийим - бошлар – формаларнинг таъсис этилиши бу ўринда салмоқли таъсир ўтказди. Бу таъсир миллий либосларда ҳам акс этабошлади.

Ўзбек либосларини чинакам илмий ўрганиш XIX асрдан бошланган европаликлар, айниқса Россия олимлари Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хивада яшаган аҳоли маданияти, турмуши, санъатига ғоят қизиқиб қарашди. Бу жараён Россия истилосидан кейин кучайди. Тошкент оммавий музейи ташкил этилгандан сўнг (1876) режали тус олди. Туркистон халқлари моддий ва маънавий ёдгорликларини тўплаш олимлардан ташқари маҳаллий амалдорлар ўртасида ҳам кенг авж олди. Бу ишда Туркистон ўлкаси бош ҳокими – генерал-губернатор Константин фон Кауфман (1867-1881) намуна бўлди, десак янглишмаймиз.Унинг ўзбеклар бўйича коллекциясида 365 та буюм бўлиб, унда уй-жой, маиший кийим-кечак, ҳунармандлар ишлаган ва турфа маҳсулотлар, газлама ҳамда матолар, кундалик, маросимларда кийиладиган эркаклар – аёлларнинг уст-бошларидан иборат бўлиб, у ҳозирда Санкт-Петербургда сақланади.

Бу коллекциядан 329 дона аёллар кийими, 219 та эркаклар ва 9 та болалар усти-бошлари ўрин олган.

Тошкент оммавий музейи экспозицияси этнография бўлимида Туркистон халқлари кийим-кечаклари, заргарлик буюмлари ва турли-туман кийим, зеб-зийнатлари тўпланган. Даврий матбуот ва Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивидаги ҳужжатлар бу коллекциялар ҳақида тўлиқ маълумотлар беради.

Тошкент оммавий музейидаги коллекциялар, шу жумладан маҳаллий кийим-кечак намуналари 1876 йилда Петербургда ўтказилган шарқшунослар халқаро конгрессига бағишланган кўргазмада, 1890 йилда Туркистон қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намойиш

қилинган. Музей 1900 йили халқаро Париж кўргазмасига маҳаллий аҳоли кийим-кечаклари ва бошқа экспонатларини юборди. Этнография коллекциясининг катта қисми эса 1906 йилги Милан кўргазмасида намойиш этилди.

Иккинчи гильдия савдогари, маҳаллий ипак, жун ҳамда ип-газлама буюмлари фабрикасининг эгаси Мирза Абдулла Бухорий 1878 йили Тошкентда кўргазма ташкил этишда қатнашиб, унга хонатлас, турли рангдаги аёллар бош кийими ва ҳар хил рўмоллардан иборат коллекцияни тақдим қилган эди. Мирза Абдулла савдогар Муҳаммад Шокир билан бирга “Ипак буюмлари ишлаб чиқаришни анча такомиллаштиргани ва кенгайтиргани учун олтин нишонга сазовор бўлган эди.

1886 йили Туркистон кўргазмасида, 1887 йили Харьков қишлоқ хўжалик кўргазмасида қатнашди. У келтирган ипак маҳсулотлар тезда сотилиб кетди. Мирза Абдулланинг этнографик коллекцияси рус олимлари диққатини жалб қилди. Хусусан, шарқшунос Н.И.Веселовский унинг коллекциясидан 1202 буюмни сотиб олган. Н.И.Веселовский билан танишиб ҳамсуҳбат бўлиши Бухорийда моддий ёдгорликларни тўплашга бўлган қизиқишни янада кучайтирди. У ўз ташаббуси билан Москва ва Петербургга саёҳат қилди ҳамда Кремлда бўлди. Третьяков галареясини кўрди. 1887 йили Петербургга келиб, Н.И.Веселовский билан учрашди. Икки олим ҳамкорлиги икки томон учун фойдали бўлди. Мирза Абдулла моддий ёдгорликлар коллекцияларидан 6300 осори атиқани Петербургга юборди. Унинг бундан кўзлаган мақсадини шундай ифода этган: “ҳар қалай, умумий манфаат ва Россия илм-фанини кўзлаб ҳамда улусимиз бошқалар ҳам бу қадимги нарсалар хусусида алоҳида тушунчага эга бўлсинлар учун, Туркистон ўлкасида бу иш билан ҳаммадан кўпроқ мен шуғулланганимни утунмасинлар учун ёдгорлик қолдиришга ҳаракат қилдим. (Лунин Б.В. самарқандлик қадимги нарсалар мухлиси Мирза Бухорий, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, 1963, №6).

Илғор рус зиёлиси Н.И.Веселовский Мирза Бухорийдан ташқари бошқа маҳаллий коллекционерлар Акром Асқаров, Абу Саид Махсум билан ҳамкорлик борасида ўзига хос хулосага келиб, мустамлакачилик сиёсатига зид бўлган фикрларини очиқ айтишга журъат қилган эди.

Мустамлакачилик даврида (1867-1917) иш олиб борган Тошкент оммавий музейи, Самарқанд ва Фарғона музейлари этнография бўлимларида Туркистон халқлари кийим-кечаклари, заргарлик буюмлари ва турли матолар жой олган бўлиб, улар ўлка ва халқаро кўргазмаларда намойиш қилиб турилган. Бу эса ўлка моддий ва маънавий бойликларини иштиёқ билан тўплаётган Россия ва чет эл коллекционерлари фаолиятига кенг йўналишлар очган. Октябрь тўнтаришидан сўнг қизил мустамлакачилик даврида (1917-1991) бу жараён янада авж олди.

Тадқиқотчиларнинг сўнгги ҳисоботларига қараганда, Россия Федерацияси Давлат этнография музейида сақланаётган ўзбек кийимлари коллекциялари жами 1570 та бўлиб, уларнинг 406 таси XIX аср биринчи ярмига мансуб, 375 таси XX асрга қадар, 800 таси XX аср биринчи ярмига оиддир.

Санкт-Петербургдаги Давлат этнография музейининг жамғармаларида сақланаётган коллекциялар билан юзаки бир танишувнинг ўзидаёқ Марказий Осиё халқлари қанчалик бой этнографик осори-атиқалар соҳиби бўлганликларидан ёрқин далолат беради. Бу музейларнинг фондлари ўзбек миллий кийим-кечакларига шунчалик бойки, уларни қиёсий ўрганиш бичим ва матолардаги фарқларнинг безатиш услубларининг, ёшга қараб кийиладиган уст-бошларнинг, маросим кийимларининг асосий хусусиятларини тўлароқ тасаввур этиш имконини беради.

Санкт-Петербургдаги Давлат этнография музейида ўзбек кийим-кечаклари коллекциялари 1570 та, Давлат Эрмитажида 100 та, Москва Кремли музейи – Оружейная пататада 750 та

буюм ма Шарқ халқлари маданияти музейида 500 дан ортиқ буюмлар сақланиб улар жаҳон миқёсида Россия музейлари экспонатлари сифатида маълум ва машҳурдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1) Содиыова Н. // Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари. 2007, Б. 98
2) Зуфарова З. Чевар. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1957, № 1. Б. 10
3) Кийина билиш ҳам санъат. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1966, № 1. Б. 26.
4) Комилова М. Ярашганини кияйлик. // Ўзбекистон хотин-қизлари. 1954, № 9. Б. 23.
5) Ашрафий М. Ўрта Осиёда ўрта асрлардаги либослар: тараққиёт босқичлари (VII – XVII асрлар) // San’at. 2001. № 3. – 18-бет;